Ноқобил уламолар

15:55 / 28.10.2019 4793

Минг афсуслар бўлсинким, аҳли илмнинг ичида ҳам ноқобиллари учраб туради. Одам боласи турли-туман бўлиши ҳақиқатдир. Табиати бузуқ инсонлар ичида ҳам баъзи бир сабабларга кўра илм йўлига кириб қолганлари бўлади. Бундай бўлишининг ҳақиқий ҳикмати ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзига аён. Аммо ноқобил аҳли илмнинг чиқиб туриши бандалар учун синов ва охират уламоларининг қадрини ошириш учун бўлса, ажаб эмас.

«Ноқобил уламолар» деганда илм ила дунё неъматларидан фойдаланишнигина қасд қилган ва уни одамлар орасида обрў орттириш учун ишлатадиган шахслар тушунилади.

Ноқобил уламоларнинг сифатлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида келган.

???? ????? ?????????? ?????? ????? ??????? ????

??????????? ??? ???? ???? ???? ?????: «????

????????? ??????? ?????? ????????? ???? ??????

????? ??? ????????????? ?????? ????????? ????

??????? ???? ?????????? ???? ?????? ??????

??????????? ?????? ????????????». ??????? ?????

??????? ??????? ???????.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни фақат дунёнинг ўткинчи матоҳига эришиш учун ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди»,** дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Исломда илм талаб қилиш, хусусан, динда фақиҳ бўлиш учун илм ўрганиш фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлади. Шундай қилган одам икки дунёнинг бахт-саодатига эришади. Бу дунёда ҳурмат-эҳтиром ила ҳаёт кечириб, охиратда жаннати маъводан жой олади.

Аммо кимки диний илмларни, яъни ҳадисда айтилганидек, Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни дунёнинг ўткинчи матоҳига эришиш учун (мансаб, мол ёки риё учун) ўрганса, жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди.

Шунинг учун диний илмларни талаб қилишда ўта ҳушёр бўлиш, ниятни соф қилиш, фақат Аллоҳ таолонинг розилигини ўйлаб иш тутиш керак бўлади.

???? ????? ?????? ?????? ????? ?????????? ????

?????????? ??? ???? ???? ???? ?????: «????

????????? ??????? ???????? ????? ???? ???????

???? ?????? ????? ?????????????? ??????????

???? ????????».

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким илмни Аллоҳдан бошқа учун ёки Аллоҳдан бошқани (рози қилишни) ирода қилиб ўрганса, дўзахдаги ўриндиғини олаверсин»,** дедилар».

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам илм талаб қилиш фақат Аллоҳ учун, Аллоҳнинг розилиги учун бўлиши зарурлигини қаттиқ таъкидламоқдалар. Агар кимнинг нияти бузилса, яъни илмни Аллоҳдан бошқа учун, Аллоҳнинг розилигидан бошқа мақсад учун ўрганса, дўзахга тушиши муқаррар эканини айтмоқдалар.

???? ?????? ???? ??????? ?????? ????? ???????

???? ?????????? ??? ???? ???? ???? ?????: «????

?????? ????????? ??????????? ???? ????????????

???? ??????????? ???? ????????????? ????

???????? ???? ??????? ???????? ????????

?????????? ????? ????????». ??????????

??????????????? ??????? ???????.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким илмни уламолар билан можаро қилиш, эсипастларга ғолиб келиб, ўзини кўрсатиш ёки у билан одамларни ўзига қаратиш учун ўрганса, Аллоҳ уни дўзахга киритади»,** дедилар».

Иккисини Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида илм талаб қилишда толиби илм ниҳоятда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган учта хатарли ишдан огоҳлантирмоқдалар:

1. Илмни уламолар билан можаро қилиш учун ўрганмаслик керак. Бир илмни яхшилаб ўрганиш «Уламолар билан талашиб-тортишиб, можаро қилиб, ҳаммасини енгиб, жим қилиб қўяй», деган ниятда бўлмаслиги керак.

2. Эсипастларга ғолиб келиб, ўзини кўрсатиш учун ҳам илм талаб қилмаслик керак. Толиби илм ҳеч қачон «Илмни ўрганиб олиб, тушунмаган одамларни мағлуб қилиб, ҳаммасини лол қилиб қўяй», деган ниятни қилмаслиги лозим.

3. Ёки одамларни ўзига қаратиш учун илм талаб қилмаслик керак. Одамларнинг «Фалончи қори бўлибди, мулла бўлибди, қойил», дейишлари учун ва шунга ўхшаган ниятлар билан илм ўрганилса, бундай одамнинг ҳам оқибати яхши бўлмас экан. Аллоҳ таоло уни дўзахга киритар экан. Шунинг учун илмни фақатгина Аллоҳ таолонинг розилиги учун талаб қилиш керак.

Салафлардан баъзилари: **«Ўлим пайтида энг кўп надомат қиладиган одам ноқобил олимдир»,** дейишган экан.

«Руҳий тарбия» китобидан